

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВА ДИЛДОРАХОН ЗУМРАТБЕКОВНА**

**МУМТОЗ АДАБИЙ АСАРЛАР ТАРКИБИДАГИ “МАСАЛ”ЛАР  
ГЕНЕЗИСИ, ТИПОЛОГИЯСИ, ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти  
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона - 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

<b>Абдуллаева Дилдорахон Зумратбековна</b> Мумтоз адабий асарлар таркибидаги “масал”лар генезиси, типологияси, функционал тахлили.....	3
<b>Абдуллаева Дилдорахон Зумратбековна</b> Генезис, типология и функциональный анализ «масал» (басня) в структуре произведений классической литературы.....	34
<b>Abdullaeva Dildorakxon Zumratbekovna</b> Genesis, typology, functional analysis of parables in classical literature.....	68
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	71

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВА ДИЛДОРАХОН ЗУМРАТБЕКОВНА**

**МУМТОЗ АДАБИЙ АСАРЛАР ТАРКИБИДАГИ “МАСАЛ”ЛАР  
ГЕНЕЗИСИ, ТИПОЛОГИЯСИ, ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти  
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона - 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Fil228 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасига ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Жўрақулов Узок Ҳайдарович**  
филология фанлари доктори, профессор в.б.

**Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; Web-site: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz); e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; Web-site: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz); e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**М.Т.Зокиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**А.Ғ.Сабирдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тамаддунида бадиий-эстетик тафаккурнинг ўзига хос ўрни бўлиб, ҳар бир миллат, халқнинг адабий, ижодий мероси ушбу тадрижнинг узвий ҳалқаларидан ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб адабиётида қадимий жанр бўлган масал ҳамда масал типигаги асарларнинг генетик асослари, поэтик ва функционал хусусиятлари, шу каби асарларнинг бугунги кунда ҳам яратилиши ва оммалашуви унинг яшовчанлигини кўрсатади. Масалшунослик илмида шу типдаги асарлар бўйича амалга оширилган изланишлар, жумладан, масалчилик анъаналари адабиётшунослик учун алоҳида амалий аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигидаги масал ҳамда масал типигаги асарларнинг генезиси, таснифи, сюжет типологияси, бадиий-функционал таҳлилига оид илмий-назарий тадқиқотлар, ҳинд апологлари ва юнон масаллари орасидаги алоқадорлик, сайёр сюжетлар назариясига оид масалалар мумтоз бадиий асарларда мазкур муаммоларни ёритиш учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Масал атамасининг луғавий маъноси, илмий истилоҳи, назарий жиҳатларини тавсифлаш, мазкур термин остида ҳикоят, ривоят, мақол, ҳикматли сўзлар қамраб олиниши, бу асарлар масал типигаги асарлар деб юритилиши, масал типигаги асарларнинг универсал табиати, бундай асарларнинг ҳаётий ҳодисаларга халқона ечим сифатида қўлланиши масаласини ҳал этиш билангина муаммонинг назарий жиҳатларини тўлиқ асослаш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигида истиқлол шароитида масал ва масалнамо асарлардаги универсал аллегорик образларга ҳамда масалнинг қадимий оммавий жанр эканлигига алоҳида аҳамият берилиб, мазкур жанр доирасида кенг қамровли тадқиқотлар йўлга қўйилди. Масал жанрининг кенг миқёсда қўлланиши ҳамда сайёр сюжетга асосланиши, поэтик нутқда масалдан фойдаланишда ҳар бир ижодкорнинг маҳорати ва услуби, шунингдек, масалларнинг функционал жиҳатлари жанр муаммоларини ўрганишни тақозо этади. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”<sup>1</sup>. Шу боис, аجدодларимиз томонидан яратилган адабий-маданий, тарихий меросни яхлит, атрофлича тадқиқ этиш жамиятнинг маърифий юксалиши учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. 3.08. 2017. <https://jahon.adabiyoti.uz>

йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзудаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Масалнинг жанрий белгилари, масал типидagi асарлар, уларнинг қўлланилиши бўйича тадқиқотлар, жумладан жаҳоннинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: University of California (АҚШ), University of Indiana, University of Michigan (АҚШ), Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), University of Toronto (Canada), Creighton University, Россия ФА Шарқшунослик институти, Тожикистон ФА Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти, Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети, EGE Üniversitesi (Туркия), Atatürk Üniversitesi (Туркия), Андижон давлат университети (Ўзбекистон).

Жаҳон адабиётшунослигида “масал”лар генезиси, типологияси, функционал таҳлили ва мумтоз адабиётдаги масаллар ҳақидаги тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзбек халқ масаллари матни (Atatürk Üniversitesi, Туркия); “Панчатантра”, “Калила ва Димна” асарларини бошқа ибратомуз асарлар билан қиёси аспектда очиб берилган (АҚШ, Indiana University); Эзоп, Аристотель ижодида масалларнинг типологик ўрни ва бадиий-эстетик аҳамияти очиб берилган (Central Michigan University); масал тўпламлари ва масалнавислар ижоди очиб берилган (University of California); масал жанрида ҳажв, рубоий-зарбулмасаллар тарихи ва поэтикаси очиб берилган (Хўжанд давлат университети); анъанавий масал сюжетларининг миллий-специфик хусусиятлари аниқланган (Россия, Ярославль); масал ва

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu); [www.universityofindiana.edu](http://www.universityofindiana.edu); [www.michigan.uni.edu](http://www.michigan.uni.edu); [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); [www.cambridge.edu](http://www.cambridge.edu); <https://tspace.library.utoronto.ca>; <https://www.creighton.edu>; [www.ivran.ru](http://www.ivran.ru); [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

масал типдаги асарларнинг тарихий генезиси, сюжет типологияси ва бадий-функционал жиҳатлари очиб берилган (Андижон давлат университети).

Дунё адабиётшунослигида мумтоз адабиётдаги масаллар, масал типдаги асарлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: масал ва масал типдаги асарларнинг ўзига хос муштарак ва фарқли жиҳатларини очиб бериш; жанр табиатини инобатга олган ҳолда масалларнинг генетик асосларини тавсифлаш, типологик хоссаларини, сюжет ўхшашлигини эътиборга олган ҳолда функционал хусусиятларини асослаш; адабий-тарихий асарлардаги масалнамо сюжетлар ривожини асар композицияси унсурлари асосида очиб бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида масал жанри ва масал типдаги асарлар генезиси, типологик хусусиятлари, поэтикасига доир тадқиқотлар олиб борилган. Туркия, Ҳиндистон, Европа, Америка олимларидан Huseyin Baydemir, Ahmet Sackesen, Dawood Ibrahim, M.H.Dorfman, E.Clayton, C.Jordan, N.Cartwright, K.Mann, R.Fleck, M.Sarlej<sup>1</sup>ларнинг, рус масалшунос ва паремиологларидан А.Потебня, М.Гаспаров, В.Пропп, Н.Степанов, С.Аверинцевларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Масал ва масалга ўхшаш фольклор жанрлари ҳақидаги илмий кузатишлар В.Даль, И.Брагинский, В.Белинский, В.Аникин, И.Левин, Д.Лихачёв, Г.Пермяков илмий ишларида эътиборли фикрлар мавжуд<sup>3</sup>. Е.Падучева, М.Битарова, В.Тихомирова, В.Мокиенко, Н.Артемьева,

---

<sup>1</sup> Huseyin Baydemir. Ozbek xalk masallari inceleme-metin. Doktora tezi. Atatürk Üniversitesi – Erzurum, 2004.; Ahmet Sackesen. Ozbek masallarinin tip ve motif yapisi. Doktora tezi. EGE Üniversitesi. – Izmir, 2010.; Dawood Ibrahim. The Panchatantra, Kalilah wa Dimnah and The Morall Philosophie of Doni: a Comporative Study. Indiana University. PhD.1983.; Marcy Halpert Dorfman. A model for understanding the points of stories: evidens from adult and child readers. – University of California, Los Angeles, 1978.; Edward Clayton. Aesop, Aristotle, and Animals: The Role of Fables in Human Life. Central Michigan University. Humanitas. Volume XXI, Nos. 1 and 2, 2008; Cara Tess Jordan. Voicing Power through the Other: Elite Appropriations of Fable in the 1st-3rd Centuries CE. Doctor of Philosophy. University Toronto. 2013.; Nancy Cartwright. Models: parables v fables / Beyond mimesis and convention. Springer Dordrecht Heidelberg London New York. 2010.; K.L. Mann. The Fabulist in the Fable Book. Doctor of Philosophy in Classics. University of California. Los Angeles. 2015.; Fleck, Richard Francis. Henry David. Thoreau's interest in myth, fable and legend. The University of New Mexico, Ph.D., 1970.; M. Sarlej. A Lesson Learned: Using Emotions to Generate Stories with Morals. (PhD). UNSW Australia, 2014.

<sup>2</sup> Потебня. А.А. Из лекции по теории словесности. Басня. Пословица. Поговорка. – Харьков, 1894.; Потебня А.А. Эстетика и поэтика.–М.,1976.; [Гаспаров. М.](#)Л. Античная литературная [басня](#). - М.: 1972.; Гаспаров М.Л. Сюжет и идеология в эзоповских баснях // Вестник древней истории.- 1968.-№3.- с.25.; М. Л. Гаспаров. "Античная басня - жанр-перекресток" Теоретическая часть. Понятие басни и притчи [http://narva.ut.ee/wiki/index.php/290\\_](http://narva.ut.ee/wiki/index.php/290_) <http://ru.wikipedia.org/wiki/>; Пропп В.Я. Сказка.Эпос. Песня. – Москва: Лабиринт, 2001.; Степанов Н. Русская басня.-Москва, 1966; Аверинцев С.С. Притча / С. Аверинцев // КЛЭ.- М.: Советская энциклопедия, 1971.- Т.6.- С.20.; Аверинцев С.С. Поэтика ранневизантийской литературы / С.С. Аверинцев. М., 1997. - 159 с.;Аверинцев С.С. Притча. // Аверинцев С.С. София-Логос. Словарь. К., 2001.

<sup>3</sup> Даль В.И. Пословицы русского народа. – М.: Гослитиздат, 1957. – 991 с.; Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – Москва: Издательство Академии наук, 1956. – С. 259.;Белинский В.Г. Полное собрание сочинений. – Москва, 1955. Т.8. – с.576.;Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор.-Москва, 1957.; Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество.-Ленинград,1987.;Левин И. Введение в кн.: Свод тадж.фольклора., т.1- Басни и сказки о животных. - М., 1981.;Лихачёв Д.С. Первые семьсот лет русской литературы// Повесть временных лет. Сборник произведений литературы Древней Руси. – Москва: Эксмо, 2008.; Пермяков Г. Л. Грамматика

Л.Канаева<sup>1</sup>ларнинг диссертация ва мақолаларида ҳам қимматли фикрлар ўрин олган.Тожиқ адабиётшунослигида ҳам халқ оғзаки ижодидаги масаллар ва адабий масаллар алоҳида тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам масаллар бир қадар ўрганилган. Ўтган асрда Р.Муқимов, Ф.Исҳоқовларнинг илмий тадқиқотлари яратилган<sup>3</sup>. Мазкур тадқиқотларда Гулханий ҳаёти ва ижоди, “Зарбулмасал” асари таҳлили асосида масалга оид илмий-назарий қарашлар билдирилган. П.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов, В.Абдуллаев, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, М.Қўшжонов, Х.Дониёров, С.Мирзаев, О.Қўчқорбеков, Б.Имомов, Р.Орзибеков, А.Асроров каби адабиётшуносларнинг ҳам илмий тадқиқотлари ва мақолалари<sup>4</sup> бўлса-да, уларнинг мавзуси ва текшириш объекти биз текшираётган масаладан тубдан фарқ қилади. Бу тадқиқот ва мақолаларнинг аксариятида Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари ҳақида маълумот берилиб, масалнинг жанр хусусияти ҳақида қисман сўз юритилган. Фақатгина А.Абдуғафуровнинг “Навоий сатираси” монографиясининг “Сатира ва дидактика. Навоий масаллари”, “Эзоп тили” ва “Зарифона баён услуби” масалаларига доир” бобида “масал характеридаги асарлар” атамасига дуч келамиз<sup>5</sup>. Ф.Сулаймоновнинг “Шарқ ва Ғарб” асарида Эзоп ва Алишер Навоий масаллари қиёсланади, “масаллар махсус жанр сифатида алоҳида чоп ва тадқиқ ҳам этилмаган”и, “уларга ҳикоят, эртак сифатида” қаралиши таъкидланади<sup>6</sup>. А.Қаҳҳоровнинг диссертацияси ва монографиясида ҳам масалнинг фақат аллегорик мазмундаги кичик ҳикоя бўлмай, унинг бошқа

---

пословичной мудрости // Пословицы и поговорки народов Востока. – М., 1979.; Пермяков Г. Л. Основы структурной паремиологии. – М., 1988.; Пермяков Г. Л. От поговорки до сказки. – М., 1970.

<sup>1</sup> Падучева Е. В. О семантических связях между басней и ее моралью (на материале басен Эзопа) // Паремиологические исследования. - М., 1984. С. 223—251.; Битарова М. Становление и развитие жанра басни в осетинской литературе. АКД. –Владикавказ, 2010.; В.Тихомирова. Национально-специфическая характеристика интерпретаций традиционных басенных сюжетов. АКД. Ярославль, 2007.; В.Мокиенко. Современная паремиология / Мир русского слова. 2010. №3.; Артемьева Н. Анималистические образы в баснях И.А. Крылова. АКД. Смоленск, 2012; Канаева Л. Мордовская басня: движение жанра.АКД.Саранск, 2004.

<sup>2</sup>Тилабов С. Сатира Нозил Хужанди (Образ. Стил. Мастерство) – Хужанд, 2009.; Тилавов Б.Т.Поэтика таджикских народных пословиц. – Душанбе, 1967.

<sup>3</sup>Муқимов Р. Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти: Филол. фанлари номзоди...дисс.- Самарқанд, 1948. Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал” асари. ДД. - Тошкент, 1997; Шу муаллиф: Мактабда Гулханий адабий меросининг ўрганилиши. – Тошкент, 1983.; Шу муаллиф: “Зарбулмасал” – халқчил насрнинг юксак намунаси. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1982.; Шу муаллиф: “Зарбулмасал” талқинлари./ “Мулоқот” журн., 1997. 4-сон.

<sup>4</sup>П.Қаюмий. Тазкирайи Қаюмий. – Тошкент, 1998.; Гулханий.Зарбулмасал (Япалоққуш ҳикояси). Нашрга тайёрловчи Ҳ.Ёқубов. – Тошкент, ЎзФА наш-ти, 1951; В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.; А.Қаюмий. Қўқон адабий мухити. – Тошкент, 1961.; Шу муаллиф: Асарлар. Қўқон адабий мухити. 10 жилдлик. 7-ж. 1-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.; Қўшжонов М. “Зарбулмасал”нинг бадиий хусусиятлари / Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977.; Зоҳидов В. Гулханий. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент, 1960.; Дониёров Х., Мирзаев С. Масал жанри ҳақида мулоҳазалар/Ўзбек адабиёти масаллари.-Тошкент, 1959.- 184-203.; Қўчқорбеков О. Масал тўғрисида баъзи мулоҳазалар/ Ўзбекистон маданияти. 1957, 11 май.; Имомов Б. Кейинги йилларда яратилган сатирик асарлар ҳақида/ Шарқ юлдузи. 1956, №8.; Р.Орзибеков. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Тошкент, 2006.; Асроров А. Ўзбек ва тожиқ ҳажвиётида жанрий шакллар ранг-баранглиги. НДА. – Самарқанд, 1993.

<sup>5</sup>Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.73-95.;199-237.

<sup>6</sup>Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.181-183.

шакллари ҳам борлиги араб адабиёти мисолида тадқиқ қилинган<sup>1</sup>. Б.Саримсоқов, М.Жўраев, Т.Бобоев, Э.Худойбердиев, О.Носиров, У.Муҳибоваларнинг тадқиқотлари ва бошқа асарларида масал жанри, аллегорик образлар, сайёр сюжетлар ҳақида сўз юритилган ўринлар мавжуд<sup>2</sup>. Фольклоршунос М.Жўраев “Фольклоршунослик асослари” китобида “сайёр сюжетлар назарияси” ҳақида сўз юритаркан, “тарихий этник келиб чиқишида умумийлик бўлмаган халқларнинг эртаклари орасида сюжет қурилиши ва мотивлар тизимига кўра бир-бирига ўхшаш асарлар кўпчиликни ташкил этиши”ни таъкидлаб, ҳинд апологлари ва юнон масаллари орасидаги алоқадорлик ва шу каби миграцион назарияга оид масалаларни таҳлил қилади<sup>3</sup>. Адабиётшуносликка оид тўплам ва луғатларда ҳам масалга оид назарий маълумотлар берилган<sup>4</sup>. Жумладан, масалдаги аллегорик образлар универсаллик касб этиши, масалнинг қадимдан оммалашиб, унинг инсонлар учун амалий аҳамиятга эга бўлгани, қадимги ёзма манбаларда масал ва моҳиятан унга яқин жанрлар кенг тарқалгани таъкидланади<sup>5</sup>. Ўзбек фольклоршуноси К.Имомов масал жанрининг ташкил топиши ва шаклланишида нақл ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини айтиб ўтган. Масал ва нақл бир-бирига яқин ва ўзаро ўхшаш томонларга эгаллиги, лекин шунга қарамасдан нақл ҳам, масал ҳам ўзига хос хусусий белгилари билан ажралиб туриши, бу белгилар аввало персонажлар талқинида кўзга ташланиши айтилади<sup>6</sup>. Ушбу тадқиқотда фақат масал жанри эмас, масал типидagi асарлар ва уларнинг мумтоз адабий асарлар таркибида қўлланилиши, уларнинг генезиси, типологияси, функционал жиҳатлари илк марта таҳлил қилингани билан аввалги тадқиқотлардан фарқланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ЁФ-8-08 рақамли “Масал характеридаги асарларнинг қиёсий-типологик хусусиятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган. (2010-2011 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** мумтоз адабий асарлар таркибидаги масал жанри ва масалнамо сюжетлар генезиси, уларнинг типологик, функционал хусусиятлари, мазмуни, мажозий ва рамзий образлар тизими ҳамда ғоявий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

<sup>1</sup>Қаҳҳоров А. “Масал” в книге “Китаб Ал-Хайаван” Ал-Джаҳиза. – АҚД. – Ташкент, 1993.; Шу муаллиф: Ал-Жоҳизнинг “Китаб ал-хайаван” асарида “масал”. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-бирлашмаси, 2007.

<sup>2</sup>Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.- Тошкент: Ўқитувчи, 1978; Бобоев Т.Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008; Носиров О. Ўзбек классик шеърини жанрлари.- Тошкент, 1983; Муҳибова У. Ҳинд адабиёти (Қадим ва ўрта асрлар).– Т.: ТДШИ, 2008. – Б.53-56.; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари.-Т.: Фан, 2009.

<sup>3</sup> Жўраев М. Сайёр сюжетлар назарияси/ Фольклоршунослик асослари.- Т., 2009. – Б.113-124.

<sup>4</sup>Адабий турлар ва жанрлар. 2 жилдлик. – Тошкент:Фан, 1990; Литературный энциклопедический словарь. – Москва, 1987.; Қуронон Д.,Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.-Тошкент, Академнашр, 2010.

<sup>5</sup>Қуронон Д.,Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.-Тошкент, Академнашр, 2010.- Б.161.

<sup>6</sup> Имомов К. Нақл /Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 2-т. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.49.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Масал” атамасининг луғавий маъноси, илмий истилоҳи, назарий жиҳатларини тавсифлаш, “масал” остида “ҳикоят”, “ривоят”, “мақол”, “ҳикматли сўз” тушунилгани, бу каби асарлар “масал типигаги асарлар” деб юритилишини исботлаш; масал типигаги асарларнинг универсал табиати, функционал жиҳатлари, бундай асарларнинг ҳаётий ҳодисаларга тайёр ечим ҳолида қўлланишга мўлжалланганлиги масаласини ҳал этиш;

миф ва масалнинг ўзаро алоқаси, масалнинг қадимги адабиётда қўлланилиши ва функционал хусусиятлари, масалнинг бошқа жанрлар билан муносабатини асослаш;

масал ва масал типигаги асарларнинг асар таркибида қўлланиши, уларнинг структур-композицион таркибидаги ўрнини аниқлаш;

мумтоз дostonлар ва насрий асарлар таркибидаги масалларнинг ғоявий-мазмуний хусусиятлари, бадиий образ яратиш масалаларини таҳлил қилиш;

ўзбек адабиётида яратилган “Зарбулмасал”лар, “Тўтинома”, “Қуш тили” асарларидаги масалларнинг функционал хусусиятларини аниқлаш;

тазкира, манокіб ва ҳолотларда масалнамоликни ўрганиш, мазкур манбалардаги тарихий воқеликнинг масалга хос сюжетлар орқали ифодаланишини таҳлил қилиш;

масалга хос мотивларнинг тарихий воқелик билан уйғунлигини асослаш;

масалнамо мотивларнинг универсаллик хусусияти, реал воқелик ва бадиий тўқима масаласини очиб бериш;

мумтоз адабий асарлар таркибидаги масал жанри ва масалнамо сюжетлар генезиси, уларнинг типологик, функционал хусусиятлари, мазмуни, мажозий ва рамзий образлар тизими ҳамда ғоявий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** мумтоз адабиёт шоирлари “Хамса”ларининг илк дostonлари, тазкира, манокіб, ҳолотлар, Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”, Гулханий, Нозил Хўжандий, Сулаймонқул Рожий, С.Хондайлиқийларнинг “Зарбулмасал”лари, Ҳ.Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор”, С.Саройининг “Гулистони бит-туркий”, Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин”, Хожанинг “Мақсад ул-атвор” дostonларидаги масаллар, Нахшабий, Хиромийларнинг “Тўтинома” асарлари, “Қуш тили” типигаги асарлар, “Ҳикоят ва ривоятлар” ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** мумтоз адабий асарлар таркибидаги масалларда адибларнинг ғоявий-бадиий ниятининг ифодаланиши, бадиий маҳорати, асар таркибидаги масалларнинг композицион-структур тузилиши, асарда илгари сурилган ғоя ва масалалар таҳлили асосида олинган илмий натижалар, масал ва масал типигаги асарларнинг шаклий, мазмуний, структур тузилиши, функционал, умумий, типологик хусусиятлари, ўзбек адабиётидаги аналогияси масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда типологик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, социологик, структурал, функционал, герменевтик таҳлил усуллари билан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётида яратилган масал жанри ва масал типига кирувчи асарларнинг генетик асослари бир эканлиги, бироқ адабиётшуносликда “масал” жанри фақат тор маънода, яъни аллегорик образлар иштирок этувчи жанр тушунилиши оммалашгани, аслида масал сўзининг “мисол”дан олингани, муайян асарлар таркибида келганда масаллик вазифасини бажариши далилланган, масал типига кирувчи асарларнинг вазифавий хусусиятлари, яъни масаллик функцияси очиб берилган, шунингдек “масал типига асар” истилоҳи, унинг “масал” истилоҳи билан муносабати ойдинлаштирилган;

дастлабки масал намуналаридаги диний-этиқодий қарашларнинг қадимги ёзма ёдгорликлар, қисса ва достонларда ҳам акс этиши, Юнон нотиклик мактаби ва қадимги Шарқ адабиётида масалларга кўп бор мурожаат қилинган, масал сўзловчининг фикрини далиллаш воситаси вазифасини бажарганлиги, бу эса бадиий нутқнинг иллюстративлигини таъминлаши далилланган;

масал типига асарларнинг қадимий намуналари ҳамда мумтоз адабиётдаги масалларнинг сюжет схемаси, мотив ва образлари қиёсланган, улардаги муштараклик мавжудлиги аниқланган ҳамда бунинг омиллари кўрсатилган, “Калила ва Димна”, “Тўтинома”, турли муаллифларнинг “Зарбулмасал” асарларидаги масалларнинг ҳамда сюжет схемаларининг трансформацияси инсон тафаккури тадрижи, шунингдек халқларнинг турмуш шароитларидаги умумийлик асосида кечган масал ва масал типига асарларнинг пайдо бўлиши ва тарққиёти билан боғлиқлиги исботланган;

Шарқда ва ўзбек адабиётида яратилган “Зарбулмасал” асарларнинг жанр-композицион хусусиятлари, “Зарбулмасал” атамасининг қўлланилиш доираси, бундай асарларнинг жаҳон масалчилигида алоҳида ўрин тутиши, унинг насрий ва шеърий шакллари билан ташқари рубоий-зарбулмасал, савол-жавоб шаклидаги турлари мавжудлиги, муайян давр ҳаётини кенг қамраб олиши ва муаллифга у ҳақдаги нисбатан яхлит қонпенцияни ифодалаши жиҳатидан ўзига хослик касб этиши асосланган;

тазкира, манокіб, мақомотларда масалга хос мотивларнинг қўлланилиши ва бунинг сабаблари аниқлаб берилган, уларнинг бошқа турдаги адабий манбаларда учрайдиган мотивлар билан уйғунлиги ва бунинг асосий омиллари очиб берилган; бадиий воқеликнинг ҳикоят ва ривоятларда масалнамо хусусият касб этиши, ўхшаш сюжет схемалари, мотивлар ва эпизодларнинг турли шахслар ҳаётига алоқадорлиги сабаблари ҳамда масал типига асарларнинг функционал хусусиятлари орқали изоҳлаш кераклиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мумтоз адабий асарлар таркибидаги масал генезиси тадқиқи воситасида жанр эволюцияси ва тарихига оид назарий қарашларни мукамаллаштирган;

Ўзбек мумтоз адабиётида масал типигаги асарларнинг моҳияти, структур тузилиши ва дифференцияси исботлаб берилган;

Ўзбек мумтоз адабиётидаги дидактик-аллегорик асарлар типологияси бўйича мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш натижасида ўзбек адабиёти тарихида масалнинг муҳим ўрни аниқланган;

масал типигаги асарларнинг умумтипологик хусусиятлари структур-композицион тузилиши, ғоявий-мазмуний жиҳатлар, бадиий образ яратишдаги уйғунлик ва ўзига хослик орқали асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий муаммонинг аниқ белгилаб олингани, тадқиқотда ўзбек ва жаҳон халқлари адабиётига оид эътироф этилган асарлар манба қилиб олингани, масал жанри ва унинг функционал хусусиятлари тадқиқ этилган фундаментал назарий тадқиқотларга таянилгани, тадқиқотдаги хулоса ва умумлашмаларга объектни ижодий-генетик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, тарихий-маданий, функционал, герменевтик методлар асосида атрофлича таҳлил қилиш орқали олингани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалардан олий таълим муассасаларининг филология факультетларида ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, янги ўзбек адабиёти фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, янги ўзбек адабиёти фанлари бўйича маърузалар ўқиш, амалий ва семинар машғулотлар, махсус курслар ўтишда ҳамда ўзбек адабиёти тарихида масал ва масал типигаги асарларнинг шаклий ва мазмуний тараққиёт тадрижини ўрганиш, мумтоз адабий асарлар таркибидаги масалларнинг композицион-структур тузилиши, “масал” атамасининг кенг ва тор маъноси, адабий атамалар тарихи ва тадрижи каби масалаларга бағишланган амалий машғулотларда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Мумтоз адабий асарлар таркибидаги “масал”лар генезиси, типологияси, функционал таҳлили” мавзусидаги диссертациядан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек адабиётида яратилган масал жанри ва масал типига кирувчи асарларнинг генетик асослари бир эканлиги, бироқ адабиётшуносликда “масал” жанри фақат тор маънода, яъни аллегорик образлар иштирок этувчи жанр тушунилиши оммалашгани, аслида масал сўзининг “мисол”дан олингани, муайян асарлар таркибида келганда масаллик вазифасини бажариши хусусидаги натижалардан 2017-2018-йиллар давомида бажарилган ОТ-А1-46 рақамли “Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш” мавзусидаги амалий илмий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89-03-2757-сон маълумотномаси). Натижада грант доирасида яратилган “Адабиётшунослик луғати” таркибига киритилган

“масал”, “ирсол ул-масал”, “тамсил”, “латифа”, “достон”, “сайёр сюжетлар назарияси”, “аллегория”, “мажоз”, “миф”, “мифологик мактаб”, “афоризм”, “афористика”, “киритма ҳикоя”, “дидактик адабиёт”, “қолиплаш” каби йигирмадан ортиқ сўзларнинг луғавий, истилоҳий маънолари билан бойитилган;

масал типига асарларнинг қадимий намуналари ҳамда мумтоз адабиётдаги масалларнинг сюжет схемаси, мотив ва образлар таҳлили, “Калила ва Димна”, “Тўтинома”, “Зарбулмасал” типига асарларда масал турлари, сюжет схемаларининг кўчиши, масал ва масал типига асарларнинг пайдо бўлиш тадрижга оид натижа ва хулосаларидан 2017-2020-йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-18 “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89.03-4617-сон маълумотномаси). Натижада оммавий лисоний маданиятни таъминлашда халқ оғзаки ижоди ва бадий асарлар ҳақидаги хулосаларнинг мукаммаллашувига эришилган;

шарқда ва ўзбек адабиётида яратилган “Зарбулмасал” асарлар, “Зарбулмасал” атамасининг қўлланилиш доираси ва чегараси, бундай асарларнинг жаҳон масалчилигидаги ўрни масаласига оид хулосалардан 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-126 “Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” мавзусидаги амалий лойиҳада тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89.03-4363-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг тил компетентлигини шакллантиришда, умумтаълим мактабларида масалларни ўқитишда, мумтоз адабий асарлар устида ишлаш усуллари яратилган;

ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида мавжуд илмий-назарий хулосалар, таърифлар, фикрлар асосида масалнамолик тушунчасининг ёритилиши, масалнамоликнинг барча халқларда бўлганлиги, масал типига сюжетлар схемасининг сайёр эканлиги ҳақидаги хулосаларидан Ausbildung und Arbeit Plus GmbH марказида (Германия) бажарилган тадқиқотда фойдаланилган (Германия Республикаси Ausbildung und Arbeit Plus GmbH марказининг 2020 йил 2 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада тадқиқотларнинг мазмун-мундарижаси кенгайиб, илмий-назарий қарашларнинг мукаммал даражага етишига ҳисса бўлиб қўшилган;

бадий воқеликнинг ҳикоят ва ривоятларда масалнамо хусусият касб этиши, ўхшаш сюжет схемалари, мотивлар ва эпизодларнинг турли шахслар ҳаётига алоқадорлиги сабаблари ҳамда масал типига асарларнинг функционал хусусиятларига оид назарий ва амалий тақлиф, тавсиялардан Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимида (Туркия Республикаси) TED301 Eski Türk Edebiyatı III, TED329 Eski Türk Edebiyatında Nesir I, TED217 Eski Türk Edebiyatında Türler, TED227 Tasavvuf Edebiyatı I, TED724 Çağatay Türkçesi, TED109 Türk Dili tarihi I, TED110 Türk Dili tarihi II дарсларида фойдаланилган (Karabük Üniversitesi'ning 2020 йил 9

августдаги маълумотномаси). Натижада дарслар илмий-назарий далиллар билан бойиган;

Алишер Навоий, Гулханий, Эзоп каби адиблар асарлари таҳлилларидан Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг “Мутолаа завқи”, “Ижод гулшани”, “Маънавият қалб кўзгуси” телекўрсатувлари, “Маънавият сарчашмаси”, “Шеърят гулшани”, “Аждодлар ўгити” радиоэшиттиришлар сценарийларини тузишда фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 7 августдаги 20-24/337-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотда таҳлил қилинган жаҳон ва ўзбек масалларидаги, мумтоз адабий асарлардаги инсоний фазилатлар, миллий қадриятлар, уларнинг тарихий, адабий, илмий, тарбиявий аҳамияти ҳақидаги маълумотлар кўрсатув ва эшиттиришларнинг бадиий жиҳатдан янада қизиқарли, мазмунли, жонли чиқишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 29 та, жумладан, 10 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 47 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда республикада 10 та ва хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 265 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари, усуллари ҳақида маълумот берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг чоп этилгани, диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Масал жанри ва масал типдаги асар: уларнинг генезиси ва функционал хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида “масал” атамаси генезиси, миф ва масал типдаги асар муносабати, риторика ва илми балоғада масал, масалнинг бошқа жанрлар билан алоқаси ва тафовути масаллари таҳлил қилинади. Адабиётшуносликка доир илмий-назарий манбаларда “масал”нинг жанр эканлиги, унинг аллегорик мазмун ифодаловчи, масал сўнггида панд-ўғит акс этган, кўпинча хайвонлар, предметлар, қушлар, нарса-буюмлар асосий қаҳрамон сифатида иштирок

этувчи асар деб изоҳланади<sup>1</sup>. Бугунги кунда ҳам одатда “масал” атамаси остида мажозий кичик ҳикоя тушунилиши оммалашган. Албатта, масал қадимдан алоҳида адабий жанр бўлиб келган. Бироқ у илгари фақат мажозийлик хусусияти билангина изоҳланмаган. Нутқда, бадиий адабиётда муаллифнинг асосан ўғит, панд, насиҳатомуз фикрларини далиллаш, исботлаш учун мисол тарзида келтирилган ҳикоят, ривоят, нақл, афоризм ва бошқалар масаллик функциясини бажаради. Ғарб адабиётида бундай асарларнинг дидактиклик хусусиятига эга бўлгани учун умумлаштириб “парема”лар деб ҳам юритилади. Биз тадқиқотимизда масаллик функциясини бажаргани учун бу турдаги асарларни “масал типдаги асарлар” деб, анъанавий тушунчадаги аллегорик кичик ҳикояларни эса “масал жанри” деб юритамиз. А.Абдуғафуров Навоий асарлари таркибида келадиган масаллар ҳақида тўхталиб: “Навоий асарлари орасига жойлаб юборилган бу изоҳловчи материалларнинг умумий бир хусусияти шундаки, уларнинг ҳаммаси ахлоқий-таълимий мазмунда бўлиб, асосан, панд-насиҳат, ўғит ва ибратни тарғиб этади. Уларга автор қандай ном бермасин (ҳикмат, афсона, ҳикоят) барчаси масал характериға эға”<sup>2</sup>, деган эди. “Садди Искандарий” достонидаги айрим ҳикоятлар ҳам “масал характеридаги ҳикоят” деб зикр этилади. Шунингдек, “Навоийнинг масаллари тамомила ўрганилмаганлиги”, “аммо шоирнинг турли асарлари жисмида, айникса, “Лисон ут-тайр” каби “қуш тили ишораси била ҳақиқат асрорин мажоз сувратида кўргузган” асарларида масаллар ва масал характеридаги ҳикоя – парчалар кўп”лиги, “буларнинг адабиётимиздаги аҳамияти эса бениҳоя катта” эканлиги таъкидланади<sup>3</sup>. Демак, ушбу далиллар ҳам “масал типдаги асарлар” атамасини қўллашимиз учун асос бўла олади.

Маълумки, адабиётшуносликда бир атамани изоҳлашда дастлаб унинг луғавий маъноси, сўнг истилоҳий маъноси шарҳланади. Шунингдек атамаларнинг қўлланилиш ўрни, унинг кенг ёки тор маъноси ҳам ёритилади. “Масал” ҳақида сўз борганда ҳам айни шу икки томон эътиборга олиниши зарур. Шу боис ҳам атаманинг луғавий, истилоҳий, кенг ва тор маънолари, масал генезиси ҳақида тўхталиш зарурати бор. “Масал” – ар. مثل араб тилидан олинган бўлиб, унинг ўнлаб маъно гуруҳлари мавжуд. Б.Ҳасановнинг луғатида атаманинг луғавий маъноси مثل - “мисол”, “ўхшашлик”, “намуна”, “қолип”, تمثيلا - “солиштирмақ”, “тасвирламақ”, “мисол келтирмақ”, امثال - “ибрат”, “намуна” эканлиги келтирилади<sup>4</sup>. “Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати”<sup>5</sup> да ҳам китобда учрайдиган масал сўзларининг турли шакллари ва луғавий маънолари берилади. مثل – “масалун”

<sup>1</sup> Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. С.46.; Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.242-244.; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.510-512.

<sup>2</sup> Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Тошкент:Фан, 1972. – Б.81.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б.86.

<sup>4</sup> Ҳасанов Б. Арабча-ўзбекча бошланғич луғат. – Тошкент: Мовороуннахр, 1996. – Б.496-497.

<sup>5</sup> Ҳасанов Б. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулум ном-ги Адабиёт ва санъат нашр-ти, 1995. – Б.418-419.

– масал, ривоят, مثل - “мислун” ўхшаш, сингари маъноларини билдиради. *مثلة* – муслатун – ибрат қилинган жазо мазмунида бир ўринда қўлланган. “Қуръони Карим”да ўзаги масал бўлган сўзлар жами 153 ўринда учрайди. Х.К.Барановнинг “Арабско-русский словарь”ида ҳам “масал” сўзининг луғавий маънолари бир неча ўнлаб ички гуруҳларга тасниф қилиб кўрсатилган. Бу таъриф ва изоҳлардан мавзуимизга дахлдор қисмларига тўхталиб ўтамиз. Гавдаланмоқ; ифодаламоқ; ўхшаш бўлмоқ; акс эттирмоқ; жонлантормоқ; намоёиш қилмоқ, (намуна) кўрсатмоқ; мисол келтирмоқ; таққосламоқ; тақлид қилмоқ; тақдим этилган; ўзлаштирилмоқ; ўзаро ўхшамоқ. Бундан ташқари ибратли, мукамал, тақлидга арзирли, энг маъқул намуна, дарс, ўғит, модель, мақол, матал (поговорка), рамзли ҳикоят (притча), аналогия каби сўзлар<sup>1</sup> ҳам биз назарда тутаётган масал типидagi асарларга алоқадор ҳисобланади. Икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Мумтоз адабиёт манбалари луғати”<sup>2</sup> даги масалга берилган изоҳлар ҳам ўрганилди. Шулардан келиб чиқиб, масал сўзининг истилоҳий маъноси унинг луғавий маъносидан ўсиб чиққан деган хулосага келинди.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида қуйидагича келтирилган: “Ирсол луғатта юбормоқдур. Бир жамоа орасида машҳур бўлган ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга ўхшатиш ва мисол тарзида кўп зикр қилган дoston ва ҳикоятларни масал дерлар”<sup>3</sup>. Халқ ўртасида кенг тарқалиб машҳур бўлган ҳикоят ва дostonларнинг масал дейилиши бу атама остида турли асарлар, яъни ўхшатиш ва мисол сифатида келтирилган сюжетли асарлар тушунилганидан далолат беради. Нафақат форс ва арабларда, балки бошқа халқларда ҳам масал номи остида бошқа тур асарлар тушунилаверган. Масалан, усмонли турклар масал деганда эртакни назарда тутадилар<sup>4</sup>. Ҳ.Байдемир “Ўзбек халқ масаллари” номли диссертациясида атаманинг усмонли турклар ва ўзбеклардаги истилоҳий маъноларини шарҳлайди ҳамда “Ўзбекистонда масал тури қиссалар, fableлар, фикралар ва бошқа афсоналар билан қоришиқ қўлланиши” ҳақида ёзган эди<sup>5</sup>. Аҳмет Саскесаннинг “Ўзбек масалларининг тип ва мотивлари” номли тадқиқотида ҳам масалларнинг назарий жиҳатларига тўхталинган<sup>6</sup>.

Масал сўзининг туркий тилдаги муқобили Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “*saw*” шаклида учрайди. Бу сўз бирдан ортиқ маънода қўлланган: 1. *سaw* *saw* - ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш. 2. *سaw* *saw* – рисола, хат, кичик китобча. 3. *سaw* *saw* – сўз, нутқ. 4. *سaw* *saw* - қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш. 5. *سaw* *saw* – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи. Шундан олиб, *سawجي نبي* – наби-пайғамбарларга

<sup>1</sup>Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.- М.: Русский язык., 1989. - С. 741.

<sup>2</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик.1-т.– Москва: Русский язык, 1981. – Б.449.; Мумтоз адабиёт манбалари луғати. Тузувчи: В.Раҳмонов. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. – Б.200-201.

<sup>3</sup>Ҳусайний А. Бадоеъ-ус-саноеъ. – Тошкент: АС, 1981. – Б.135-136.

<sup>4</sup>Бердақ Юсуф. Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б.108.

<sup>5</sup>Huseyin Baydemir. Ozbek halk masallari inceleme-metin. Doktora tezi. Atatürk Üniversitesi – Erzurum, 2004.

<sup>6</sup>Ahmet Sackesen. Ozbek masallarinin tip ve motif yapisi. Doktora tezi. EGE Üniversitesi. – Izmir, 2010.

савчи дейилади. Чунки у бир қанча хабарлар эшиттиради, ёзилган нарсаларни етказди. ساوجي савчи – келин ва куёвлар орасида, юкорида айтганимиздек, бир-бирига хат-хабарлар элтувчи совчи. Шеърда шундай келган: بلڪا ارن ساولرن الغل اڪوت اذكو سويغ اذلسا اودكا سنكر

[Билга эран савларин алғил ўгут, Эзгу савиғ эзласа озга сингар]

Билагон одамларнинг сўз, насиҳатларидан фойдалан. Чунки яхши сўз таъсир қилгач, дилга жойлашади<sup>1</sup>. ساو “сав” сўзи “оталар сўзи” маъносини ҳам билдиради. ساودا مندغ كلر савда мундағ кэлир - оталар сўзида шундоқ келади деб кўрсатилади.<sup>2</sup>

Масал сўзининг “матал” шакли ҳақида Б.Саримсоқов “туркий халқлар орасида турлича маъноларда қўлланилиши”, “у топишмоқ, ҳикматли сўз, эртақ, масал, умуман ҳикоя қилиш, нақл қилиш, ҳикмат айтиш маъноларида ишлатилиши”, “термин сифатида ўзбек фольклоршунослигида паремаларнинг бир турини ифодалаш ижтимоий ҳаётдан дифференциялашиб бораётгани”ни таъкидлаган эди<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, матал сўзи мақол билан ёнма-ён ишлатилади ва қўлланади. Матал сўзи араб тилидаги луғатларда учрамайди. Ҳар бир халқнинг четдан сўзларни ўзлаштириганда ўз тилига мослаштириб олишини назарда тутсак, туркий тиллардаги “масал” “матал” бўлиб қўлланганини айтиш мумкин. Демак, ушбу таҳлилдан “матал” атамасининг “масал”дан келиб чиққанлиги, “матал” масалнинг архаик формаси эканини хулоса қилиш мумкин. Қадимий яҳудий тилидаги “машал” (משל *машал*) ҳам асли “масал”дир. Рус тилига эса бу сўз “притча” деб ўгирилган<sup>4</sup>.

“Масал” сўзининг форс-тожик тилидаги луғавий ва атамалик маъноси, изоҳлари “Фарҳанги забони тожики”, “Фарҳанги Котузиён”, “Луғатнома”, “Ахтар ул-Кабир”, “Ғиёс ул-луғат”<sup>5</sup> каби манбаларда ўтмишдан келтирилган ҳикоя ва қиссаларни масал, дoston деб юритилиши таҳлил қилинди. И.С.Брагинский мақол ва маталларни зарбулмасал, панд деб атаб, аллегорик образлар мавжуд бўлган “басня”ни англатувчи масални “басни и притчи” номи билан “панд, андарз, масал” каби эквивалент номлар билан атайди<sup>6</sup>. Масалнинг қайси адабий турга мансублиги ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Адабиётларда “халқ эпосига мансуб”, “шеърый асар”, “кичик ҳажмли шеърый ёхуд насрий асар”, “наsrда ҳам, назмда ҳам ёзилаверади” деб

<sup>1</sup> Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.169.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Саримсоқов Б. Мақоллар/ Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-т. – Т.: Фан, 1988. – Б.88.

<sup>4</sup> <http://www.eleven.co.il/article/13328> При́тча

<sup>5</sup> Фарҳанги забони тожики (аз асри X то ибтидои асри XX ) иборат аз ду чилд. – Москва: “Советская энциклопедия”, 1969. – 647-с.; Мухаммад Али Техроний. Фарҳанги Котузиён. – Техрон, 1964. – 720-с.; Али Акбар Деххудо. Луғатнома. – Техрон, 1995. – 25 с.; Ахтар ул-Кабир. – Қозон, 1899. – 210.; Тилавов Б.Т. Поэтика таджикских народных пословиц. Душанбе, 1967. С.8.

<sup>6</sup> Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – Москва: Издательство Академии наук, 1956. – С. 259.

кўрсатилади<sup>1</sup>. Кузатиш ва таҳлиллар асосида масал сўзининг луғавий, истилоҳий ва бошқа маънолари ҳақида қуйидаги умумлашма ҳосил қилинди:

1) “Масал” сўзининг луғавий маъноси ўндан ортиқ бўлиб, у контекст (матн ичи)да англашилади.

2) Адабиётшуносликда “масал” атамаси тор ва кенг маънода қўлланади. Тор маънода ҳайвонлар қатнашадиган мажозий мазмунга эга кичик ҳажмли асарни билдиради. Кенг маънода масал сўзи мақол, матал, ҳикоят, ривоят эртак, ибрат, ҳикматли сўз, ибора ва бошқаларни англатади.

3) Масалнинг истилоҳий маъноси унинг кичик ҳажмдаги ибратомуз воқеа баён қилинган, шеърӣ ёки насрий шаклдаги асар эканлигидир.

4) Масаллар шаклига кўра шеърӣ ёки насрий кўринишда бўлади.

5) Масалнинг истилоҳий маъноси билан унинг луғавий маъноси узвий алоқада ҳисобланади.

Масаллар тарихи қадимги дунё билан боғлиқ бўлиб, унинг илдизлари инсоният тарихининг ибтидосига бориб туташади. Чунки қадимги инсонлар реал ҳаётни, оламни, атрофни киёслар орқали англаганлар. Миф, афсона, эртак, қисса ва достонлар замирида қадимги одамларнинг турли қарашлари, инонч-эътиқоди, хаёлий тасаввурлари мавжуд бўлса, масаллардан кўзланган мақсад ўз тажриба ва малакаларини, ҳаётдан олган ибратли хулосаларини кейинги авлодга намуна сифатида етказиш ҳисобланган. Албатта, барча масаллар мифлардан келиб чиққан, деган фикрдан йироқмиз. Бирок масалларнинг умумий хусусияти унинг қадимдан мавжудлиги мифлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Ибрат, ўғит, панд-насихат, таълим бериш функциясини қадимдан масаллар бажарган. Масаллар – аллегорик-дидактик ҳикоялар ҳаёт ҳодисаларига тайёр ечим ҳолатда қўлланган.

Қадимги даврда оғзаки нотикликда масалга кўп бор мурожаат қилинган. Софокл, Арасту, Гесиод, Архилох, Стехисор, Симонид Кеосский, Тимокреонт, Эсхил, Аристофан, Демокрит, Продик, Протагор, Антисфен, Диоген, Сукрот, Ксенофонт, Платонларнинг асарлари ва нутқларида масал келтириш ёки унга ишора қилиш учрайди. Юнон нотиклигида, яъни илгари нутқда мавжуд бўлиб, қолип шаклда тайёр бўлган, фикр исботи учун келтириладиган масаллардан фойдаланилганини таъкидлаш жоиз. Арасту “Риторика” китобида мисол ва далиллашга алоҳида тўхталади. XX бобга “Мисол ва далиллаш”, “Мисолнинг икки тури – таққослаш ва масал (притча)”, “Мисоллардан қандай ва қачон фойдаланиш мумкин?” тагсарлавҳаси қўйилган бўлиб, барча ҳодисалар учун умумий бўлган ишонтириш усулларига тўхталишни таъкидлайди<sup>2</sup>. Ишонтиришнинг умумий усуллари икки турли кўрсатади: мисол ва далиллаш. Бунда ҳикматли сўз ҳам далиллашнинг бир қисми ҳисобланади. Арасту, мисол йўллашга

<sup>1</sup>Адабиёт назарияси. II томлик. II том. Адабий-тарихий жараён. – Т.:Фан, 1979. – Б.185.; Адабий турлар ва жанрлар 3 томлик.1-том. –Т.: Фан, 1991. – Б.7.; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.:Ўзбекистон, 2002. – Б.510.; Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Шарқ, 2008. – Б.243-244.

<sup>2</sup>Аристотель. Риторика. [http://www.litres.ru/pages/biblio\\_book/?art=24126156](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=24126156) Аристотель Риторика: ISBN 978-5-17-102258-7

ўхшайди, йўллаш эса бошланмадир, деган фикрни билдиради. Мисолнинг икки кўриниши бор: биринчиси, аввал рўй берган ҳолат фактлари келтирилса, иккинчиси шунга ўхшаш воқеани нотик ўзи яратади. Бунда нотик притча ва масалдан фойдаланиши мумкин. Файласуф Эзоп ва Стехисор нутқларида келтирилган икки масални баён қилади.

Шарқ алломаларининг ҳам асарларида масал, мисол, тамсил кабилар билан боғлиқ тушунчалар кўлланган. Абу Наср Форобийнинг “Шеър санъати” асарида Арастуниг тақлид, ўхшатиш ҳақидаги назарий фикрлари давом эттирилади. Хитобада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеърятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади, дейди<sup>1</sup>. Шунингдек “истикро – индукция, мисол – аналогия, фаросат – интуиция ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиб, уларнинг мантиғи қувватида ўша қиёс – силлогизмнинг куч-қуввати бўлиши” таъкидланади. Форобий юнон шеърятдаги ямб ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: “Аммо куйланадиган нарсалар хушфеъл ҳам бўлиши мумкин, бадфеъл ҳам бўлиши мумкин – бунга барибир, лекин шуниси борки, бу мисоли бир зарбулмасал – мақоллар каби машхур бўлиши шарт”<sup>2</sup>. Демак, бу ўринда “зарбулмасал” сўзи остида мақол тушунилгани ҳамда халқ мақолларининг машхур бўлиши асосий хусусият эканлиги ҳақида маълумотга эга бўламиз. Драма ҳақида сўз борганда, унинг шеър тури эканлиги ва “бунда маълум кишилар ва маълум шахслар тўғрисида машхур масал ва нақллар зикр қилиниши” баён қилинган.

Илми бадиъда ирсоли масал атамаси ва изоҳи мавжуд. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида байтда келтирилган масалнинг қадимий бўлиши кераклиги ва бу масал халқ орасида машхур бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. Масалнинг қадимий бўлиши кераклиги унинг халқ хотирасида узоқ вақт яшаб келаётганлигини англатади. Машхур бўлган масалларнинг танлаб олинишига сабаб, агар халқ орасида тилга тушмаган, кўпчиликка номаълум воқеа асосидаги масал шеърга киритилса, шоирнинг бу масални нега келтираётгани тушунарсиз бўлиб қолар эди. Тадқиқотда “Таржимон ул-балоға”, “Ҳадоийқ ус-сехр”, “Арузи Ҳумоюн”, “Жамъи мухтасар”, “Илми бадиъ дар забони форсий”<sup>4</sup> каби асарлардаги “ирсоли масал” санъатига берилган таъриф ва изоҳлар таҳлил қилинди. Масал мустақил равишда турли ҳаёт ҳодисаларига муқоёса тарзида келтирилиб, ўзининг анъанавий образлар ва мотивлар доирасига эга бўлади. Масал характеридаги асарларнинг муштарак жиҳатларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1.Функционал тарафи. 2.Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4. Ҳажмнинг қисқалиги.

Тадқиқотда масалнинг бошқа жанрлар билан генетик муштараклиги, айрим асар турлари билан тафовути ўрганилди. В.Абдуллаев, Т.Бобоев,

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр-ти, 1993. – Б.113.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б.120.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б.11.

<sup>4</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б.47.

О.Носиров, Р.Орзибеков, С.Хўжакулов<sup>1</sup>ларнинг дарслик, қўлланма ва мақолаларида мунозарани масал деб аташ ҳоллари учрайди. Диссертацияда олиб борилган таҳлиллар асосида ушбу икки жанр хусусиятлари қуйидагича белгиланди: 1. Масалларда мунозарадаги каби баҳс, тортишув бўлиши шарт қилинмайди, балки унда ҳаётга татбиқ этилиши мумкин бирор воқеа тасвирланади. 2. Масалда ҳам, мунозарада ҳам иштирокчилар мажозий, рамзий образлар бўлади. 3. Масал ҳамда мунозара ҳам назмий, ҳам насрий шаклда бўлади. 4. Иккала асар ҳам баъзан катта ҳажмли асарлар таркибида келиши мумкин. 5. Мунозарада баҳслашувчи томонлар бир-бирига ўзининг устунлигини уқтиради. 6. Масалнинг хотимаси “қиссадан ҳисса” тарзида, ўғит, панд мазмунидаги жумла, мақол билан яқунланади. Мунозарада баҳс баҳслашувчилардан бирининг ғолиблиги, иккинчисининг мағлубияти билан яқунланади. 7. Мунозара ҳам масалдаги каби ибратли хулоса билан тугаши мумкин.

Масалнинг композицион қурилиши кириш, воқеа баёни ва хулосадан иборат бўлиши, хулосанинг мақол шаклида берилиши уларнинг генетик илдизлари бир экани ҳақидаги фикрни исботлайди. Мақоллар масалларнинг таркибий қисми бўлиб, улар шаклан ихчам, мазмунан пурҳикмат бўлгани сабабли воқеа баёнидан ажратиб олинганда ҳам мустақил маъно англатаверган. А.А.Потебня, масалнинг ҳикоя қисми зичлашиб бориб, унинг хотимаси, яъни ўғит қисми қолдирилиши, ўғит, панд қисмини ҳаётда учраб турадиган бизга таниш ҳодисаларга татбиқ этишимиз мумкинлиги, татбиқ жараёнида ана шу ихчам шаклдаги ўғит – мақолнинг аввалги воқеа қисмини хотирамизда тиклашимиз ҳақида ёзади<sup>2</sup>. Масалларнинг асоси – мақоллар барқарор, ўзгармас бутунлик, яхлит клише ҳисобланади. Худди шу каби масаллар ҳам ҳаёт ҳодисаларига тайёр ҳолда татбиқ этилади. А.А.Потебня масалларнинг бу хусусиятини “номаълум эгаларнинг тайёр кесими” деб изоҳлайди<sup>3</sup>. Масалларнинг воқеа тасвири биз татбиқ этмоқчи бўлган ҳодисага ўхшаш бўлади, сўзловчи томонидан таққосланди, дейлик. Масалнинг сўнги хулоса қисми эса худди жавоб мисоли янграйди. Масалнинг ҳаётдаги таниш ҳодисаларга тайёр ҳолда татбиқ этилиш функцияси у қисқарганда йўқолмайди, энди бу вазифани мақол бажаради. Масал учун баъзан енгил кулги – юмор, баъзан ижтимоий танқид хос. Унинг латифа билан ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Аллегориянинг иштироқи масални латифадан фарқлаб туради. Латифада ҳам масалдаги сингари ҳайвонлар образи қатнашиши мумкин, лекин унда аллегорик образ ёрдамчи бадиий деталь вазифасини бажаради<sup>4</sup>. Рус масалшуноси М.Л.Гаспаров масалда экспозиция,

<sup>1</sup>В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1975.; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т., 2002.; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.47.; Орзибеков Р. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т., 2006. – Б.106.; Хўжакулов С. “Мунозара”нинг жанрий белгилари / Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №3. – Б.50.

<sup>2</sup>Потебня. А.А. Из лекции по теории словесности. Басня. Пословица. Поговорка. – Харьков, 1894. – с.89.

<sup>3</sup>Потебня А.А. Кўрсатилган асар. С. 41.

<sup>4</sup>Суванкулов Б. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филология фан. ном...дисс.автореф. – Т., 2007. – Б.10.

ният, воқеа, кутилмаган натижа бўлиши шарт, деб ҳисоблайди. Сюжет қисмларининг қатъий тартибда келиши воқеа мантиғининг изчиллигини белгилайди. Масалдан бошқа асарларда сюжет қисмларининг ўрни алмашилиб келиши ҳам мумкин. Бироқ, масалда уларнинг маълум тартиби сақланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Масалнинг ўзбек ёзма адабиётидаги тадрижи ва такомил**” деб номланган. Бобда масалнамо асарларнинг структур-композицион тузилиши, уларнинг ғоявий-мазмуний жиҳатлари, бадиий образ яратишдаги уйғунлик ва ўзига хослик масалалари ҳақида сўз боради.

Масал сюжетларининг дostonларда қўлланилиши ўзига хос анъанавийликни юзага келтирди. Нафақат алоҳида адабий масаллар битиш, балки йирик ҳажмли дostonлар таркибида масалдан фойдаланиш ўзига хос услубга айланди. Айниқса, X-XI асрларда адабиётда дидактик йўналиш устувор бўлган даврда масал, мақол, маталларга мурожаат этиш кучайди. Йирик дostonлар таркибида масалга хос сюжет, мажозийликнинг учраши характерли хусусият ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида масал, мақол ва маталларнинг функционал жиҳати шундаки, муаллифнинг билдирган турли соҳага доир асосий фикр, мулоҳазаларини далиллаш, тасдиқлаш, қиёслаш учун келтирилади<sup>1</sup>. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойик” асарида масал, мақол, маталлардан ўринли фойдаланилган. Муаллиф “масал” сўзини мавоиз (мавизанинг кўплиги), яъни ўғит, панд, насиҳат маъносидаги сўз билан бирга қўллаган. Аҳмад Югнакий масал, мақол ва маталларнинг нутқни чиройли, таъсирчан қилишини таъкидлаб “безадим китоби...” деб ёзади. Демак, шоир ўз фикру қарашларини, ғояларини бадиий жиҳатдан мукаммаллаштириш учун масалнамо асарлар билан бойитган.

Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”сидаги “Нух тўфони”, “Сулаймоннинг қаринча билан сўзлашгани”, “Сулаймон ва учар отлар”, “Сулаймон ва Билқис”, “Луқмон ва унинг хожаси” ҳикоялари масалнамо асарлардир. “Нух тўфони” ҳақидаги ҳикоятда масалга хос хусусиятлар яққол кўриниб туради. Унда ҳайвонлар, жониворлар, қушлар ва бошқа нарсалар худди одамлар сингари сўзлайдилар. Ҳайвон ва жонзотларнинг антропоморфизациялаштирилиши бошқа ҳикоятларда ҳам учрайди. Сулаймон а.с. ҳақидаги қиссада бир неча мустақил ҳикоятлар борки, улардаги мажозий образлар иштироки ва уларнинг Сулаймон а.с.га қилган ўғит ва насиҳатлари айтилган масалнинг ўзидир. “Қисаси Рабғузий”даги ҳар бир қисса таркибида бир неча алоҳида сюжетли воқеий ҳикоятларнинг бўлиши худди “Зарбулмасал” типидagi асарлар тузилишига яқин туради. Уларни алоҳида олганда ҳам мустақил сюжетли асар ҳисобланиши мумкин. “Қисаси Рабғузий”даги қиссаларнинг “ҳикоя ичида ҳикоя” ёки “қолипловчи сюжет” шаклида қурилганлиги ҳам шарқ эпик асарлари анъаналарини давом эттирганлигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 1-ж. – Т.: Фан, 1977. – Б.127.

Мумтоз дostonчиликда асар таркибида масал келтириш анъана бўлган бўлса, даврлар ўтиши билан алоҳида масаллар битиш адабий анъанага айланди. Хусусан ХХ аср бошларидаги жадиd адиблар ижодида масалга мурожаат этиш сезиларли даражада кучайди. Натижада масалнинг структур-композицион курилишида ҳам ўзгаришлар, ўзига хосликлар юзага келди. Ҳамза, Ҳислат, Сидқий, Элбек, Авлоний каби шоирлар ўзларининг масалларини битган бўлсалар, Элбек ва Чўлпон кабилар рус ва жаҳон масалчиларининг асарларини таржима қилиш билан ҳам шуғулландилар. Мумтоз дostonчиликда масаллардан фойдаланиш дидактик, диний, тасаввуфий ғояларни тасдиқлаш учун келтирилган бўлса, жадиd адабиётида эрк, маърифат, озодлик ғояларини тарғиб этиш вазифасини бажарди. Масалнамо асарлар тарихан шаклланиб, шаклий ва мазмуний ўзгаришлар рўй берди.

Шарқ адабиётида масал, масал типидagi асарлар яратилишининг ибтидосида Саъдий Шерозий (“Гулистон”, “Бўстон”), Жалолиддин Румий (“Маънавий маснавий”), Абдурахмон Жомий (“Баҳористон”), Алишер Навоий (“Ҳайрат ул-аброр”) каби шоирлар номлари туради. Уларнинг асарларидан илҳом олган ўзбек шоирлари бу анъанани муносиб давом эттирдилар. С.Саройининг “Гулистони бит-туркий” асарида келтирилган “Қорақулоқ ва арслон” масалида қорақулоқ – халқ, надим, арслон эса султонлар мажозини ифодалайди. Дostonда ахлокий-таълимий мавзудаги суҳбат савол-жавоб тарзида ёритилади. Инсонларнинг фазилату нуқсонлари ҳақида сўз борганда худди “Зарбулмасал” ва “Калила ва Димна”даги каби услуб кузатилади. Ҳ.Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор” дostonида ҳам масалнамо асарлар талайгина учрайди. Дostonда дидактик мазмундаги мавъиза, сўнг уни асословчи ҳикоятлар келтирилади. Карам ва саховат мавзусида сўзлар экан, шоир Ҳотами Той ҳикоятини келтиради. Бу образ саховат рамзи бўлиб, анъанага кўра “Ҳамса”ларнинг биринчи дostonларида келтирилади. “Махзан ул-асрор”да фоний оламга меҳр қўйишнинг оқибати, дунёпарастлик, шоҳ ва гадо нисбати ҳақидаги мавъизадан сўнг эса шоир “Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳикоят” берилади. Ҳикоятда Маҳмуд Ғазнавийнинг қишда овга чиққани ва бир кулбага кирганларида кекса, фақир кишининг ўтиргани тасвирланади<sup>1</sup>. Пир ўзининг фақру фано давлатида Аллоҳ уни ҳеч нимага муҳтож қилмагани, подшо каби бир ниманинг тамаъида бўлганида ризқ учун дарбадар оламни кезиши мумкинлиги, ўтган одамларнинг қанча гуноҳлари борлигини айтиб, “Агар ажал келса нима қиласан?” дейди. Подшо эса бу саволни пирнинг ўзига қайтаради. Пир бир табассум қилади-да жон беради. Шоҳ сўзлаганидан хижолат бўлиб бу ердан кетади.

Хожанинг “Мақсад ул-атвор” дostonида худди бошқа “Ҳамса”ларнинг биринчи дostonларидаги каби “маъвиза”, баъзан “мақола” ундан сўнг ҳикоят (тамсил) қисми келтирилади. Дostonнинг иккинчи мақоласида адолат ҳақида сўз юритилиб, ундан сўнг “Тамсил” сарлавҳаси остида Нўширавони одил

<sup>1</sup> [www.ziyo.com](http://www.ziyo.com) kutubxonasi. Ҳайдар Хоразмий. Гулшан-ул асрор. – Б.234.

ҳақидаги ҳикоя келтирилади. Нўширавони одил мулозимларига вайрона уй топиб, ғиштини олиб келишни, шу ғишт касалига даво бўлишини айтади. Бутун халқ вайрона қидиришга тушиб, тополмайдилар. Муаллифнинг “Мифтоҳ ул-адл” асарида ана шу мавзуга қайта мурожаат қилинган. Достонда Нўширавон давридаги ободончилик, фаровонлик тасвирланган ва олқишланган бўлса, ҳикояда Султон Маҳмуд Ғазнавий давридаги вайронагарчилик танқид қилинади. Ҳикояда бойқушларнинг вайрона уйларни қалин учун бериш тўғрисидаги суҳбатини эшитган Ғазнавийнинг вазири йиғлайди. Султон Маҳмуд қушлар суҳбати ва вазирнинг насиҳатлари таъсирида золимликдан раҳмдилликка, адолатпешаликка ўтади. “Калила ва Димна”, “Махзан ул-асрор” асарларидаги Нўширавон ва бойқушлар ҳақида масал-ҳикоятлар турли ҳажм, шаклда ва сюжет линиясининг ўзига хослигида кўринади. Бойқушларга инсонга хос нутқнинг берилиши ва уларнинг вайрона йўқлигидан шикоят қилиш моменти Хожа томонидан ўйлаб топилган ажойиб оригинал лавҳадир. Бу эпизод бошқа шоирлар ижодида мавжуд эмас.

Масалнавислар аллегорик образлар орқали ўзларининг дидактик мазмундаги фикрларини мажозий усулда билдирганлар. Шу боис ҳам турли даврларда яратилган масаллардаги дидактик ғоялар ҳамма замонлар учун ҳам тааллуқли бўлиб қолаверади ва бундай асарларнинг таълимий-тарбиявий аҳамияти ошса ошадики, заррача камаймайди.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Ўзбек мумтоз адабиётида масал типдаги асарларнинг моҳияти, структур тузилиши ва дифференцияси”** деб номланган. Мазкур бобда масалнамо асарларда тарихий ва бадиий образлар тасвири, ўзбек адабиётидаги “Зарбулмасал”ларнинг тарихий тадрижи, “Тўтинома”, “Қуш тили” типдаги асарларда масаллар ва масалнамо сюжетларнинг қўлланиши масалалари ёритилган. Искандар, Нўширавон, Баҳром, Ҳотами Той, Золи зар, Жамшид, Сулаймон, Султон Маҳмуд каби тарихий ва афсонавий образлар, улар билан боғлиқ воқеалар шарқ ҳикоячилигида аввалдан мавжуд бўлган.

“Ҳайрат ул-аброр”да бир неча ўнлаб воқеий ҳикоятлар мақолотлардан сўнг келтирилади. Мақолотларда шоирнинг фалсафий, ижтимоий, диний тасаввуфий қарашлари берилади, бу фикр ғояларнинг мисоли – иллюстрацияси сифатида эса шарқ халқларида тарқалган бадиий, диний ва бошқа ҳикоятлар баён этилади. Мазкур ҳикоятларни алоҳида асар сифатида ҳам, шунингдек дostonни яхлит ҳолга келтирувчи қисмлар сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Достонда анъанавий тарздаги мажозий масаллар ҳамда масал типдаги асарлар ҳам учрайди. Шоир мақолотларидаги фикрларини тезис деб атайдиган бўлсак, уларнинг амалий кўرғазмаси масал ва масалнамо асарлардир. А.Навоийнинг асарида адолат қарор топганлиги, подшонинг адолат тарафдори экани баён қилинса, Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” достонидаги “Кимсасиз кампир ва Султон Санжар” ҳикоятидаги султон адолатсиз эканлиги тасвирланади, шоир адолатсиз подшоларга насиҳат қилиш учун шу ҳикоятни келтиради. Адолатли шоҳ мавзуси Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” асарида ҳам илгари сурилади. Сўфи Оллоёр

асардаги ҳикоятларни баён қилишда дастлаб воқеа, сўнгра бу воқеликка ўз муносабати ёки хулосасини беради.

Ўзбек адабиёти тарихида мавжуд “Зарбулмасал” типигаги асарларнинг генетик илдизлари қадимги шарқ масалчилигига бориб тақалади. “Калила ва Димна” (“Панчатантра”), “Ҳитўпадеша”, “Тўтинома”, “Шукасаптати” (“Тўтининг етмиш қиссаси”), “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр”, “Қуш тили” каби асарлар ва “Зарбулмасал” асарлари мажозий образлар қўлланиши, мажозийлик ифодаси жиҳатидан муштараклик касб этади. Гулханийдан ташқари яна Рожий, Н.Хўжандий, С.Хондайлиқийларнинг “Зарбулмасал” асарлари мавжуд<sup>1</sup>. Мажозий образлар иштирок этувчи анъанавий “Зарбулмасал”лардан фарқли равишда Сидқийнинг асари савол-жавоб шаклига эга. С.Хондайлиқийнинг “Ажойиб ул-махлуқот” таржима асари ҳам мавзуси, тузилиши ва бошқа жиҳатлари билан “Зарбулмасал” типигаги асарга яқин туради<sup>2</sup>.

Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида қушлар, паррандалар антропоморфизациялаштирилган, яъни қушларга инсон хусусиятлари кўчирилган. Эзоп ёки рус адиби И.А.Крилов масалларида бир ёки ундан ортиқ аллегорик образлар иштирок этса, Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида бундай образларнинг катта галереяси яратилган. Моҳир масалнавис “қолиплаш” усулидан фойдаланиб, бир неча масалларни “Зарбулмасал”га жойлаштирган. Шуни айтиш керакки, асосий сюжет қаҳрамонлари ҳам, асар таркибидаги масал қаҳрамонлари ҳам аллегорик образлардир. “Тошбақа ва Чаён”, “Маймун билан Нажжор”, “Туя ва Бўталок” каби масаллар асар композициясидан мустақкам ўрин олган ва уларнинг мазмуни асосий сюжет билан чамбарчас боғланади.

“Зарбулмасал” йўналишидаги шаклий жиҳатдан ўзига хос бўлган турини Нозил Хўжандий яратган бўлиб, академик Азиз Қаюмов “рубойи”<sup>3</sup>, Э.Шодиев “Ирсоли масал рубойлар”<sup>4</sup>, С.Тилабов эса “рубойи-зарбулмасаллар” деб атайди<sup>5</sup>. Н. Хўжандий ҳам бошқа масалнавислар каби халқ мақол, матал, ҳикматли сўз кабилардан фойдаланиб, рубойи-зарбулмасалларни яратган. Рожийнинг “Зарбулмасал”и маснавий шаклида 154 байтдан иборат бўлиб, унда халқ мақол, матал, ибратли, ҳикматли сўзлар шеърый шаклда келтирилади<sup>6</sup>. Маълумки, масалнавислар асардаги аллегорик образлар, мақол ва маталлар орқали давр ижтимоий масалаларини ҳам

<sup>1</sup>Сулаймонқули Рожий. Зарбулмасал, қўлёзма. ЎзР ФА Ғафур Ғулом номли Қўқон адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв.№6.; Раҳматова Д. Муқимий издошлари. – Т., 1967.; Нозили Хўжандий. Ҳажвиёт, қўлёзма. ЎзРФАШИ. Инв. №12080.; Асалчи (Сидқий). Савол-жавобли юз сўз, 1-қисм, 1912, 1 октябрь, ЎзФАШИ инв.№Р – 7631.; Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998.

<sup>2</sup>عجائب ال مخلوقات Туркий ажойиб ул-махлуқот. (Сидқий Хондайлиқий таржимаси (1335 х.) 1917 й.). Андижон вилояти Тарих ва маданият давлат музейи. инв.№6423.

<sup>3</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-ж. – Т.: Фан, 1978. – Б.68.

<sup>4</sup>Шодиев Э. Нозил Хўжандий. / Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. №5.; Шодиев Э. Ирсоли масал рубойлар / Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. №5.

<sup>5</sup>Тилабов С. Сатира Нозил Хужанди (Образ. Стиль. Мастерство) – Хужанд, 2009. – С.17.

<sup>6</sup>Асрлар нидоси. Рожий / Нашр.тайёрловчи: Дилбар Раҳматова. – Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б.124.

танқид қилганлар, ҳукмдорларга “коса тагида нимкоса” тарзида, ишорали сўзлар билан ўғит берганлар. Рожий “Зарбулмасал”ида ҳам давр ҳукмдорларининг адолатли бўлишига чақириғи, ўғити бор. Рожийнинг ушбу асари анъанавий йўналишдаги “Зарбулмасал” типигаги асарлар силсиласининг муҳим ҳалқаси сифатида аҳамиятга эга бўлиб, ҳаётий ифодаси, реал тасвири, ўз даври ижтимоий-иқтисодий масалаларини акс эттириши билан алоҳида ўрин тутди. С.Хондайлиқийнинг “Зарбулмасали Сидқий” асари савол-жавоб усулида ёзилган бўлиб, жавоблар ҳикматли сўзлар, афоризмлар, мақоллар орқали берилган. “Зарбулмасали Сидқий”дан ташқари мажозий образлар иштирок этган кичик ҳикоялари ва маснавийлари ҳам мавжуд. “Аёзнинг назари ҳамиша чоруқи бирла пўстинига масруф эди”, “Сичқон ва қурбақа”, “Булбул ва Чумоли”, “Қарчиғай ва Бойўғли”, “Кабутар ва товук”, ит, эшак, сичқон, чумчук, туяқуш, кўршапалак, туя ва қорақулоқ, тулки ва унинг болалари ҳақидаги масаллар шулар жумласидандир. Сидқий ижодидаги “Булбул ва чумоли” масали жаҳон масалчилигида машҳур бўлган И.Криловнинг “Ниначи ва чумоли” масали сюжети билан айнандир. Бироқ иккала масалнавис айна бир воқеликни турлича тасвирлайди. Масалда булбул образи ялқов кимса мажозини, чумоли меҳнаткаш инсон мажозини билдиради.

Қадимдан шарқ халқларида кенг тарқалган “Тўтинома”, “Қуш тили” асарлари халқ оғзаки ижоди негизида яратилган. “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр” асарлари эса мажозийлик ифодалашини, шунингдек тасаввуфий мазмунда битилгани билан ажралиб туради. Ўзбек адабиётида Хиромий, Нахшабийларнинг “Тўтинома” асарлари, Ризоийнинг “Қуш тили” асарлари мавжуд. Мазкур асарлар яқин йилларда Ш.Ҳасанова томонидан нашр этилди ва тадқиқ қилинди<sup>1</sup>. “Тўтинома” сарлавҳали асарлар дастлаб ҳинд адабиётида пайдо бўлган. “Шукасаплати”, яъни “Тўтининг етмиш ҳикояси” асари санскрит (қадимий ҳинд тили)да ёзилган бўлиб, асл нусхаси бизгача етиб келмаган<sup>2</sup>. “Тўтинома” асарларининг муштарак хусусиятлари уларда қадимий ҳинд эртақлари тўплами бўлган “Тўтинома”нинг асосий фабуласи ва композицион қурилиши сақланиб қолинган. Ҳар бир ижодкор сюжетга ижодий ёндашиб, ўз даври масала, муаммоларини акс эттирган, ўзининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий ғоя ва қарашларини ифодалаган. Нахшабийнинг “Тўтинома” асарида мажозий мазмунга эга ҳикоялар сони ўн та бўлиб, улар тўти томонидан Хўжастага айтилган ҳикоялардир. Мазкур масалларнинг асосий сюжет билан боғлиқлиги шундаки, уларнинг мисолида тўти Хўжастани ахлоқ, одобга чорлайди, оиладаги вафо ва садоқатга ундайди. Масалларнинг ўғит, таълим бериш характериға эга эканлиги унинг асосий функционал хусусияти ҳисобланади. Хиромийнинг “Тўтинома” асари таржима бўлмай, мустақил ижодий асардир<sup>3</sup>. “Тўтинома” достонидаги

<sup>1</sup>Ҳасанова Ш. “Тўтинома” типигаги асарларнинг қиёсий типологик ва текстологик тадқиқи. – Т.: Мумтоз сўз, 2015.; Шу муаллиф: Мавлоно Хожи Қози Пайвандий Ризоийнинг “Қуш тили” достони ва унинг қиёсий текстологик тадқиқи. – Т.: А.Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи, 2006.

<sup>2</sup>Муҳибова У. Ҳинд адабиёти. – Т.: Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2008. – Б.72.

<sup>3</sup>Хиромий. Т.Қораев. / Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-ж. – Т.: Фан, 1978. – Б.334-347.

масаллар ўзининг ғоявий жиҳати пухталиги билан, қизиқарли воқеа баёни ва шаклий-услубий жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Асардаги масаллар, мажозий образлар ва дoston таркибидаги масалларнинг функционал хусусиятлари ҳақида тадқиқотда сўз юритилди.

Масалга хос мажоз, рамзу тимсоллар орқали тасаввуфий ғояларни ифодалаш шарқ адабиётида, хусусан ўзбек адабиётида “Қуш тили” типидagi асарларда кузатилади. Фариддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асари таъсири остида Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonи яратилди. Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоийнинг “Қуш тили” дostonи эса ҳар икки буюк асарнинг ижодий таъсири ва анъананинг давоми сифатида дунёга келган дейиш мумкин. Дostonда масал-ҳикоятлар ўттиз учта бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида композицион бутунликка эга мустақил асарлар бўла олади. Бу масал-ҳикоятлар асар таркибида келиб, асосий воқеанинг моҳиятини очади, воқеалар мазмунини чуқурроқ изоҳлайди, қушлар образи орқали билдирилаётган муаллиф фикрларини тасдиқлайди. “Лисон ут-тайр”даги каби мазкур дostonда ҳам Ҳудҳуд ва бошқа қушларнинг суҳбати, уларнинг саволига Ҳудҳуднинг ёки бошқа қушнинг жавобини далиллаш учун масаллар келтирилади. “Тўтинома” ва “Қуш тили” дostonлари ахлоқий-таълимий мазмундаги, дидактик адабиёт намунаси сифатида яратилган. Дostonдаги мажозий образлар қушлар, турли паррандалар, ҳайвонлар бўлиб, улар воситасида муаллифлар ўз фикру қарашларини кўчма маънода ифодалаган.

**“Адабий-тарихий асарларда масалнамолик”** номли тўртинчи бобда тазкира, манокиб ва ҳолотларда масалга хос хусусиятлар, тарихий воқеликнинг масалга хос сюжетлар билан уйғунлиги, масалга хос асарларда реаллик ва тарихий шахс талқини ёритиб берилади.

Шарқ адабиёти, хусусан ўзбек мумтоз адабиётида масалга хос хусусиятлар мавжуд бўлишининг генетик илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Масал типидagi асарлар нафақат бадий асарлар, дostonлар таркибида, балки мумтоз адабиётшуносликка доир манбаларда ҳам учрайди. Мазкур манбалар қуйидагилардан иборат: 1) тазкиралар; 2) манокиб, ҳолотлар; 3) тарихий асарлар. Ушбу асарлар жаҳон адабиётшунослигида “агиография” деб юритилади. Агиография – (юн.hagios) муқаддас, диндор, grapho – ёзаман сўзларидан олинган бўлиб, учта агиография белгиланади. Христианлик, буддавийлик, мусулмонлик агиографияси бор. Агиографик асарлар христианларда “притча” (“parablu”), хиндларда “варта”, мусулмонларда “тазкира”, “манокиб”, “мақомот” каби номлар билан юритилади.

Тазкира, манокиб ва бошқа тарихий асарлар таркибида учрайдиган ҳикоятларнинг аксарияти дидактик мазмунга эга. Шунингдек, Эзоп ҳақидаги масалларга аналогик жиҳатдан яқин бўлган ҳикоят Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида келтирилади. Эзоп ва Лукмони ҳаким ҳақидаги масаллар ўзаро муштараклик касб этади. Тил ҳақидаги, дарё сувини ичиш, буғдой ўрнига арпа экиш ҳақидаги ҳикоятлар иккала манбада ҳам мавжуд. Эзоп ҳақидаги асарда ҳам, Алишер Навоий асарида ҳам мотивлар ўзаро ўхшаш бўлса-да, уларнинг тасвир кўлами, ифода ва баён йўсини,

услубий жиҳатлари ва поэтик хусусиятлари ўзига хосдир. Эзопнинг ҳаётига оид ҳикояларда иккита қулнинг анжир меваларини ўзлари еб, Эзопга туҳмат қилиши ва Эзопнинг ақлли тадбир топиб, ўзининг айбдор эмаслигини исботлаши тасвирланган. Бу сюжет Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида Лукмони Ҳаким мисолида келтирилади<sup>1</sup>. Румий, қиёмат кунида яширилган барча сирлар ошкор бўлади, деган фикрни мана шу воқеа асосида исботлайди.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки ажам” асарида Шарқда одиллик тимсоли бўлган Нўширавон ҳақида бир нечта ҳикоятлар келтиради. Ҳалоллик ҳақидаги ҳикоятда бир кишининг боғ сотиб олиши, боғни қазиётганда у ердан тилла чиқиши, тиллани боғнинг аввалги эгасига олиб бориши, боғнинг собиқ эгаси тиллани олмаслиги, Нўширавоннинг бу масалани адолатли ҳал қилиши ҳақида сўз юритилади. Иккинчи ҳикоятда Нўширавон озгина тузни ҳам сотиб олиши ҳақида бўлиб, мулозимлари бу ишга ҳайрон бўлганларида “Шундай озгина нарсага подшо нега ёмон одат қилиши керак? Кимда кичкина ёмон одат, хулқ бўлса, у катталашиб кетади. Бунёд қилган нарсани одам бадном қилади”, деб жавоб беради<sup>2</sup>.

З.Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” тазкирасида Мирзо Улуғбек ҳузурида айтилган Анушервон (Нўширавон) билан боғлиқ тўртта ривоят келтирилади. “Ануширвон ва кампир” ҳикояти мазмун жиҳатидан Хожанинг “Султон Маликшоҳ ва бева кампир” ҳикоятига ўхшайди. Хожа ҳикоятида султон вафот этиб, кампирга қилган адолати учун жаннатга тушса, Восифий асарида эса кампир Ануширвон таклиф қилган инъомларни рад этади. Кейингиси кекса чолнинг ёнғоқ экаётгани, ундан “ҳосилини кўрасизми, йўқми” саволига зукколик билан жавоб бериши ҳақидаги машҳур ҳикоятдир. Чол билан суҳбатлашган ҳукмдор Ануширвон бўлиб, чолнинг закийлик билан берган ҳар бир жавобига минг ашрафийдан инъом қилади<sup>3</sup>. Ануширвоннинг бошига беихтиёр ош тўкиб юборган хизматкор ҳақидаги ҳикоят Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги сўнгги ҳикоят билан мазмунан муштарак. Мазкур киритма ҳикоятлар тазкираларнинг бадий ва эстетик таъсирчанлигини орттирган ҳамда ҳукмдорларга панд, ўғит билдиришда асосий вазифани бажарган дейиш мумкин.

Халқ ўртасида тарқалган муайян сюжетга эга ривоятларда ҳам ўғит, панд мазмуни акс этади. Инсоният тарихида ўзининг фавқулодда қобилияти, кашфу каромати, ибратли ҳаёти билан машҳур бўлган авлиё зотлар, донишмандлар, файласуфлар жаҳон халқларининг барчасида учрайди. Жамиятнинг тарихий тараққиётига бундай шахслар албатта ўзларининг сезиларли таъсирини кўрсатганлар. Шарқ адабиётида Робия ад-Давия, Фаридиддин Аттор, Мансур Халлож, Боязид Бистомий, Иброҳим Адхам, Абдуқодир Гилоний, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Иброҳим

<sup>1</sup>Румий Ж. Маснавийи маънавий. – Тошкент, 2010. – Б.117.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 16-ж. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.241-242.

<sup>3</sup>Кўрсатилган асар. – Б.203.

Адхам, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб каби улуғ шахсларнинг ҳаёти ҳақидаги воқеалар маноқиб, холот, тазкиралар орқали етиб келган.

Машҳур шахслар ҳақидаги асарлар тарихий асар бўлса, иккинчи томондан уларнинг халқ учун оммабоп ва қулай шаклда тарқалиши учун бадиий асар мезонларига мос ҳолда яратилишидир. Маноқиб, тазкира, холот, житие, апокрифлардаги бош қаҳрамонлар ҳам мажозий маъно касб этган. Ўзбек адабиётидаги Бобораҳим Машрабнинг номи “Қиссаи Машраб”да, Афанди латифаларида, ҳикоят ва ривоятларда келтирилишининг боиси у билан боғлиқ воқеликнинг турли вариацияларда тарқалишидир. Агиографик адабиёт муайян тарихий шахс билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан қадимги асотирларда акс эттирилган персонажлар ҳолатини эслатувчи хислатларни ифодалаб келади.

Маълумки, тарихий шахслар, давлат арбоблари, олимлар, зиёлилар ва бошқа илм аҳлларининг донишмандона фикрлари “ҳикматли сўзлар” деб юритилган. Адабиётшуносликка оид назарий адабиётларда “гнома” деб юритилади ва у алоҳида жанр ҳисобланади. “Насойим ул-муҳаббат”да Абубакр Шиблий ҳақидаги ўринда бир неча ҳикматли сўзлар учрайди. “Хуррият – қалб хурриятидир, бошқа нарса эмас”, “Зоҳир кўзни ҳаромлардан, ботин кўзни эса, Аллоҳдан бошқасига назар солишдан сақланг”. Мана шу ҳикматли сўзларнинг тузилиши ва мазмунига эътибор қилинса, мақол жанрига яқин туради. “Маърифат – Аллоҳу таолонинг ваҳдонияти билан қалбнинг қарор топишидир”, “Кимки тавба қилса-ю гуноҳни тарк этмаса, Аллоҳ таоло уни тавба қилишдан ва ўзига қайтишдан маҳрум қилиб қўяди”, “Ҳақ била суҳбат тутунг ва агар тута олмасангиз ул киши била тутунгки, ул Ҳақ била суҳбат тутар, то анинг суҳбати барокоти сизни Ҳаққа еткургай”, “Сўзни ҳожат қадари била айтинг. Ҳар не ҳожатдин ортуқдур, андин илик тортинг”, “Тенгри таоло била кўп бўлинг ва халқ била оз”<sup>1</sup> каби ҳикматли сўзлар диний-тасаввуфий мазмунда бўлса-да, лекин умуммаърифий маъно касб этади. “Нафоҳат ул-унс” да номлари зикр этилган шайхларнинг ҳикматли сўзлари аксарият суҳбат, диалог шаклида берилади.

Диний мазмундаги ҳар қандай адабиёт ҳақида сўз борганда, шуни назарда тутиш лозимки, дин учун адабиёт мақсад эмас, балки ғоя, масала, насиҳатни етказиш учун восита бўлган. Демак, агиографик адабиётнинг қаҳрамонлари аввало тарихий шахслар бўлса ҳам, уларнинг ҳаёти, тарихи, тариқатга мансублиги кабилар асосан бадиий жиҳатдан тасвирланган. Мусулмон агиографиясига оид асарлар, қадимги рус адабиётидаги “житие”лар ва ҳинд агиографик адабиётидаги “варта”лар адабиётшунос учун аввало бадиий матн сифатида қабул қилиниб, адабиётшунослик мезонлари билан тадқиқ этилишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бундай асарларда тарихий воқеликни исботлаш эмас, балки бадиий асарда унинг қандай тасвирлангани биз учун муҳим.

Тазкира, маноқиб, мақомот кабиларда шайхларнинг Аллоҳни, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.ни туш кўришлари, тушнинг таъбири

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муқамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17 ж. – Т.: Фан, 2001. – Б.129.

лавҳалари ҳам учрайди. Мазкур манбаларда туш “воқеа” деб айтилади. “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам башорат, муболаға, туш, каромат кўрсатиш каби лавҳалар учрайдики, бу эса ҳикоятнинг сирли бўлишини таъминлайди. Имом Аъзам, Боязид Бистомий, Шох Шужо Кирмоний, Самнун б. Ҳамза Муҳибб Каззоб каби шайхлар ҳақидаги ўринда уларнинг туш кўрганлари баён қилинади. Шайх, авлиё, пирларнинг кўрган тушлари ҳаёт билан боғлиқ бўлади. Тушда айтилган сўзлар башорат бўлиб чиқади ёки ҳаётда амалга ошиши кузатилади. Авлиё, шайх, пирларнинг тушлари оддий бўлмай, кароматли тушлардир. Шайх, авлиё, пирларнинг тушлари “кароматли тушлар”, “муқаддас тушлар” номи билан юритилган. Маълум бўладики, кароматли тушларни халққа билдириш маъқул ҳисобланмаган, чунки оддий халқ уни англамаслиги, шариат йўлидан адашиб кетишлари мумкин эди.

Агиографик адабиёт жанридаги асарлар учун хос бўлган хусусиятлардан бири шайх, авлиё, пирларнинг мўъжиза кўрсатишларидир. Сирлилик, мўъжизакорлик, ғайритабиий ҳодисанинг содир бўлиши бундай ҳикоятларнинг асосий белгиси дейиш мумкин. Мўъжизакорлик хислати мақомотларда ҳам учрайди. Маълумки, мўъжизакорлик, каромат кўрсатиш пайғамбарлар, авлиё, шайхларга хос хислат бўлиб, бу қобилият уларни оддий инсонлардан ажратиб туради. “Маноқиб Қодирия”да ҳам Шайх Ғавсул Аъзам билан боғлиқ мўъжизакорлик воқеалари келтирилади. Тадқиқотда ушбу ривоятларнинг ғоявий, бадиий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Демак, масал типидagi асарлар сирасига кирувчи адабий-тарихий асарларда масалнамолик ўзига хос ўрин тутди. Тазкира, маноқиб, ҳолот кабилар агиографик адабиёт намуналари саналади. Агиографик жанр намуналарида келтириладиган ҳикоят, нақл, ривоятлар тариқат вакилларининг сиймоларини ёритишда, улар мисолида комил инсон ғоясини тарғиб қилишда муҳим ҳисобланади. Турли манбаларда учровчи бундай ҳикоят ва нақллар айрим хусусиятлари билан ўзаро ўхшашликни юзага келтирган.

## ХУЛОСА

1. Мумтоз адабий асарлар ғоявий-бадиий жиҳатдан мукамаллиги, композицион тузилиши, структур таркиби, жанрлар ранг-баранглиги, образлар хилма-хиллиги билан адабиётнинг поэтик тадрижида муҳим ўрин тутди. Ўзбек мумтоз адабий асарларининг яратилишида халқ оғзаки ижоди ва Шарқ адабиёти анъаналарининг таъсири мавжуд. Масал қадимдан ўзбек халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиётда эса то ҳозирга қадар яратиб келинади. Мумтоз адабиёт вакилларининг масал яратиши ёки ўз асарларига машҳур масалларни киритиши тасодифий ҳодиса бўлмай, бевосита бадиий мулоқот мақсади билан боғлиқ ва бунинг генезиси узоқ даврларга бориб тақалади.

2. Масал сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари текширилганда, истилоҳий маънонинг луғавий маънодан келиб чиққани маълум бўлади. Мазкур атама тор ва кенг маънода қўлланиши зарур. Анъанавий тушунчадаги масал аллегорик образлар иштирок этадиган кичик ҳажмли шеърий ёки насрий асар бўлса, атаманинг кенг маънода қўлланилиши бошқа таърифни талаб этади. Яъни бунда функционал жиҳат олдинги планга чиқиб, асосий

белгилари тайёр ҳолда мулоқотда қўллашга мўлжалланганлиги, ҳаётий-татбиқий характерга эга эканлигидир. Шунга кўра масаллик функциясини бажарувчи асарлар мақол, матал, ҳикоят, тамсил, афоризм, сентенция, гнома, притча кабиларни “масал типигаги асарлар” деб юритиш тавсия этилади.

3. Масал қадимий ва халқаро жанр бўлиб, унинг намуналари жаҳон халқлари адабий меросидан мустаҳкам ўрин олган. Илк масалларнинг пайдо бўлиши ва ривожда қадимги Ҳиндистон, Юнонистон зикр этилади. Бироқ масалнамолик дастлаб қадимги шумер-аккад матнларида учрайди. Оламни тасаввур қилишнинг илк шакли бўлган мифлар билан масаллар чамбарчас алоқадордир. Жонсиз нарсаларни жонли деб тасаввур этиш, нарсаларни антропоморфизациялаштириш жиҳатидан миф ва масалларда уйғунлик кўринади. Аллегорик образларнинг пайдо бўлишида мифларнинг ўрни катта ҳисобланади. Масаллар оламни англаштишга хизмат қилувчи мифлардан фарқли равишда реал ҳаёт ҳодисаларини акс эттиради, ижтимоий турмуш масалаларини англаш ва англаштишга қаратилган бадиий модель бўлиб хизмат қилади.

4. Қадимги юнон шоирлари ижодида ва нотиклик мактабида масаллардан кенг фойдаланилган. Шоир ва нотиклар ўз фикру қарашларини исботлаш, далил келтириш мақсадида илгари мавжуд бўлган масал сюжетларини қайта яратганлар ёхуд янгидан масал битганлар. Юнонистон ва Шарқда Эзоп масаллари машҳур бўлган. Бу масаллар сайёр характерга эга бўлиб, трансформацияга учраб, Шарқдан Ғарбга кўчган. Натижада схематик жиҳатдан ўхшаш, образлари муштарак, ғоявий-бадиий ифодаси ўзига хос масал намуналари вужудга келган. Арасту, Цицерон, Платон, Форобий каби файласуфлар ўз асарларида масалдан фойдаланганлар, шунингдек, масалнинг далиллаш, исботлаш функциясини таъкидлаганлар. Далил ва исбот мантиқ фанига дахлдор бўлгани боис масални англашда ўқувчидан мантиқий тафаккур талаб этилади.

5. Шарқдаги илми бадиёда “масал” атамаси кўпроқ шеърий асарларда “ирсол ул-масал” санъатини қўллаш, яъни байтда мақол келтириш маъносида тушунилган. Ирсол ул-масалга берилган таърифларнинг муштарак жиҳати шундаки, шоир байтда халқ орасида машҳур бўлган мақол, матал, ҳикматларни келтириши керак. Бироқ “масал”ни кенгроқ тушуниш, уни функционал жиҳатдан таснифлаш ҳаракати Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саное” асаридаёқ кўзга ташланади. Фақат “масал”ни бу тарз тушуниш мумтоз поэтикада ҳам, кейинги давр адабиётшунослигида ҳам оммалашгани йўқ, аксинча, атама алоҳида жанр маъносида фаоллашди.

6. Илмий ва бадиий тафаккур ривожлангани сари адабий асарларни тур ва жанрларга ажратиш тамойиллари ҳам шаклланиб борган. Дастлабки бадиий асарларда синкретиклик (қоришиқлик) кузатилса, давр ўтиши билан жанр белгилари қатъийлашган. Масал бошқа жанрлар билан алоқада ривожланган ҳамда улар билан муштараклик касб этса-да, ўзига хос жанр чегаралари ҳам конкретлашиб борган. Мунозара жанрида қаҳрамонларнинг баҳси муҳим бўлса, масалда ўғит, панд етакчилик қилади. Кўпгина мақоллар масалларнинг

ҳукм-хулоса қисмидан ҳосил бўлган. Масалда ўғит, аллегорик мазмун устувор бўлса, латифада кулгу, юмор муҳим ҳисобланади.

7. Мумтоз адабий асарлар таркиби ўрганилганда масалларнинг асар композициясида муайян ўрин эгаллагани, уларнинг асар таркибида ҳам, алоҳида олинганда ҳам яхлит асар бўла олиши кузатилади. Туркий дostonчиликнинг илк намуналари бўлган “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарлари ва “Қисаси Рабғузий”да келтирилган масал, мақол, матал, ҳикматли сўз, ҳадислар муаллиф ғоявий ниятини ифодалаши, фикрини далиллаши билан бирга асарнинг бадиий иллюстрацияси вазифасини ҳам бажаради.

8. Масалнинг композицион қурилиши экзпозиция, ният, воқеа, хотима қисмларидан иборат бўлади. Мазкур қисмларнинг масалдаги иштироки қатъий ҳисобланади. Бошқа адабий жанрларда сюжет қисмларининг тартиби эркин бўлса, масалда муайян тартиб асосига қурилади. Баъзи ҳолларда хотимадаги ўғит, панд, насиҳатнинг ёки масал воқеасининг хулосаси бўлган мақолнинг экзпозициядан аввал берилиш шакли ҳам учрайди. Дoston ва қиссаларда келтирилган масаллар ҳам шундай композицияга эга бўлиши кузатилади. Дostonларда мақолот ёки мавъизадан сўнг келтирилган ҳикоят, ҳадис, ҳикматли сўз, мақол ва бошқалар мисол, ўртак, намуна вазифасини ўтайди. Рабғузий, С.Саройи, Ҳ.Хоразмий, А.Навоий, Хожа, Сўфи Оллоёр, Гулханий, Хиромий, С.Хондайлиқий, Ризоий, Н.Хўжандий, С.Рожий каби шоирлар асарларида масаллар “ҳикоя ичида ҳикоя” шаклида жойлашади. Масаллар дostonлар таркибида келганда асосий сюжет билан боғлиқ бўлган ҳолда ўз нисбий мустақиллигини ҳам йўқотмайди.

9. Ўзбек адабиётида X-XII асрларда панднома характеридаги асарларнинг битилиши давр ижтимоий-маънавий ҳаёти билан боғлиқдир. XV асрда тараққий этган хамсанавислик анъанасига кўра биринчи дoston ахлоқий-таълимий мазмунда ёзилган. Шунга кўра масал ва масал типидagi асарларнинг фаол қўлланиши кузатилади. Айрим дostonлардаги аллегорик образлар инсон маънавий оламидаги қусур ёки фазилатларни ўзида акс эттирса, баъзан эса унинг воситасида диний-тасаввуфий ғоялар илгари сурилади. Бу хусусиятлар Рабғузий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр каби шоирлар ижодига хос.

10. Масаллардаги образларнинг аксарияти анъанавий ҳисобланади. Бироқ аллегорик образлар ҳар доим ҳам барча халқларда бир хил кўчма маънони ифодаламайди. Шу жиҳатдан дostonлар таркибида келтириладиган аввалдан тайёр масалларни муаллиф қайта ишлагани маълум бўлади. Масаллардаги образларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар бир ижодкорнинг индивидуал ёндашуви асосида намоён бўлади.

11. Мумтоз адабий асарлар таркибидаги масал ва масал типидagi асарларда тарихий ва бадиий образларнинг қўлланиши муаллиф ғоявий нияти ва мақсади билан боғлиқдир. Жамшид, Искандар, Баҳром, Нўширавон, Ҳотами Той, Сулаймон, Султон Маҳмуд каби образлар қадимдан мавжуд бўлиб, дostonларда рамз даражасига кўтарилади. Нўширавоннинг адолат, Ҳотами Тойнинг саховат, Искандарнинг адолатли шоҳ каби рамзларни

англантиши мумтоз адабий асарларга хос хусусиятдир. Шу каби тарихий шахсларнинг мумтоз асарлардаги тасвири муаллиф идеалининг намунаси сифатида кўринади.

12. Ўзбек мумтоз адабиётида “Зарбулмасал” йўналишидаги асарларнинг генетик илдизлари шарқ масалчилиги билан боғланади. Қадимги ҳинд адабиётидаги “Панчатантра”нинг араб тилидаги варианты “Калила ва Димна” шарқ ва ғарб халқларига кенг тарқалиб, ижодий таъсир ўтказган ва шу турдаги асарлар битиш адабий анъанага айланган. “Зарбулмасал”нинг ўзбек адабиётидаги илк намунаси Гулханий қаламига мансуб бўлиб, асар композицияси фақат аллегорик мазмундаги масаллардан иборат бўлмай, масал типигаги асарлар ҳам ўрин олган. Шарқ адабиётидаги “Калила ва Димна”, “Ҳитўпадеша”, “Тўтинома”, “Минг бир кеча”, “Лисон ут-тайр” асарларининг “қисса ичида қисса” шакли “Зарбулмасал” композициясига ҳам хос. Асар қаҳрамонлари бошқа “Зарбулмасал” қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, мақол-маталлар воситасида суҳбатлашадилар. Гулханийдан кейин яратилган “Зарбулмасал”лар шаклий ва мазмуний жиҳатларига кўра фарқ қилади. Шу номдаги асарларнинг маснавий, рубоий-зарбулмасал, савол-жавоб шаклида яратилиши, образлар тизимининг кенгайиши, асар мазмун-моҳиятининг такомиллашуви ушбу анъананинг тадрижий давом этишига замин ҳисобланади.

13. Масал қаҳрамонларининг асосан қушлардан иборат бўлиши ўзбек ва бошқа жаҳон халқларида ўзига хос ўрин тутди. “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр”, “Тўтинома”, “Қуш тили” каби асарларда Худхуд, Семурғ, Тўти рамзий-мажозий образлар сифатида намоён бўлади. Қуш образининг танланиши ҳам ўзига хос инонч-эътиқод, тасаввуфий, фалсафий қарашлар билан боғлиқ ҳисобланади.

